



XALQ DEPUTATLARI O'ZBEKISTON TUMANI KENGASHI QARORI

2018 yil "23" iyun

180/51-5 -son

Ўзбекистон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгаши шуни таъкидлайдики Мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг вилоятимизга ташрифи давомида энг асосий вазифамиз аҳолини рози қилиш эканлигини яна бир бор уқтириб барча сектор раҳбарларининг масъулиятини ошириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш вазифасини белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг хуудни янада ривожлантириш “ Ҳар бир оила – тадбиркор” шиори остида аҳолини тадбиркор қилиш, “Обод қишлоқ” дастури, ёшларга оид давлат Дастурларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳар бир раҳбарнинг Ватанга садоқат ва муҳаббат билан хизмат қилиши ҳақида айтган фикрлари туман фаоллари учун дастуруламалдир.

Давлат раҳбарининг топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сон қарори ижросини таъминлашда бир қатор камчиликлар аниқланди.

Ўрганишлар, вилоятнинг қатор туманларида сектор раҳбарлари бириктирилган худудларда ишларни етарли даражада ташкил қилмаганлиги, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ идоралари раҳбарлари сектор раҳбари сифатида олдиға қўйилган вазифаларни ва масъулиятни тўлиқ тушуниб етмаганлиги, ўз худудидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишга тўлиқ киришмаганлигини кўрсатди.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яъни, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва бюджетга солиқ тушумини таъминлаш, тадбиркорликни айниқса, чорвачилик ва балиқчиликни ривожлантириш асосида янги иш ўринларини яратиш, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш масалаларига айрим секторлар раҳбарлари етарлича эътибор қаратмаган.

Хусусан, секторлар раҳбарлари томонидан ҳудудда саноат корхоналарини ташкил этилишига етарли эътибор қаратилмаганлиги, ташаббускорларни аниқлаш, уларга етарли шарт-шароитлар яратиш ва ҳудудга салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш бўйича ишлар қониқарсиз олиб борилган.

Шу билан бирга, ёшларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш жумладан, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, нотинч оилада тарбияланаётган, уюлмаган ва банд бўлмаган ёшлар билан ишлар талаб даражасида ташкил этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3182-сон қарори ҳамда 2018 йил 12-13 июнь кунлари қилган ташрифларида белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш, тумандаги 4 та сектор фаолиятини тизимли ташкил этиш, биринчи навбатда, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига асосан халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон туманини ижтимоий - иқтисодий ривожланишини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида ўтказилган йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берган вазифаларини туман ҳудудида бажарилиши бўйича туман ҳокими, прокурори, ички ишлар бўлими бошлиғи ва давлат солиқ инспекцияси раҳбарининг ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман секторлар раҳбарлари томонидан тақдим этилган ҳисоботлар бўйича:

а) туман ҳокими, 1-сектор раҳбарининг ҳисоботи “қониқарли” деб топилсин.

Шу билан бирга, халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгаши депутатлари, Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари М.Абдуллаевлар томонидан билдирилган фикрларни инобатга олиб, куйидагиларга устувор аҳамият қаратган ҳолда, “Йўл харитаси”ни қайта кўриб чиқиб, бажарилишини таъминлаш кўрсатиб ўтилсин:

- иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, бунда “Ҳар бир оила – тадбиркор” шиорини амалда ташкил этиш, хорижга ишлаш мақсадида кетган фуқароларни қайтариш ва бандлигини таъминлаш чораларини кўриш;

- ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ўз жонига қасд қилиш, аёллар ўртасида ҳамда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликни олдини олиш, “Обод қишлоқ” дастури доирасида белгиланган ишларни ўз вақтида амалга ошириш;

- хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларни самарадорлигини ошириш, жумладан туманда бўш турган объектларда инвестиция киритиш ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш;

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш;

- бюджет қарздорлигини сўндириш, маҳаллий бюджет тушумига кўшимча манбаларни аниқлаш;

- 3 кун муддатда Бузуққўрғон МФЙ ҳудудида термит қурти босган Мирзаев Абдулоким хонадонига ёғоч материаллари ишлатмасдан янгидан уй қуриб бериш чораларини кўриш вазифалари топширилсин.

б) туман прокурори, 2-сектор раҳбарининг ҳисоботи “қониқарли” деб топилсин. Шу билан бирга, қуйидагиларга чуқур эътибор бериб, “Йўл харитаси”ни такомиллаштириш тавсия этилсин:

Шу билан бирга, халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгаши депутатлари томонидан билдирилган фикрларни инобатга олиб, қуйидагиларга устувор аҳамият қаратган ҳолда, “Йўл харитаси”ни қайта кўриб чиқиб, бажарилишини таъминлаш кўрсатиб ўтилсин;

- бюджет қарздорлигини сўндириш, маҳаллий бюджет тушумига кўшимча манбаларни аниқлаш, бунда норасмий фаолият юритаётган тадбиркорларни расмий рўйхатдан ўтишини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек тадбиркорлик субъектларида ишловчи ходимларни ҳисоботларда тўлиқ кўрсатмаслик ҳолатларига эътибор қаратиш;

- хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларни самарадорлигини ошириш, жумладан туманда бўш турган объектларда инвестиция киритиш ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш;

- иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, бунда “Ҳар бир оила – тадбиркор” шиорини амалда ташкил этиш, хорижга ишлаш мақсадида кетган фуқароларни қайтариш ва бандлигини таъминлаш чораларини кўриш;

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш ;

- туманда ноқонуний фаолият кўрсатиб келаётган такси хизмати ва юк ташувчи автомобилларни фаолиятини қонунийлаштириш ва давлат бюджетига пул тушумини кўпайтириш ҳамда тадбиркорларни Россия давлати губернаторлари билан инвестиция киритиш масаласида ҳамкорлик ўрнатиш

учун туман ҳокимлиги билан биргаликда тегишли тадбирларни белгилаш;

- туманда фаолият кўрсатиб келган собиқ музей фаолиятини йўлга қўйиш ёки ушбу бинони бир қисмини кутубхона ва бир қисмини китоб сотиш шаҳобчаси сифатида фаолият юритишини таъминлаш учун туман ҳокимлиги билан биргаликда тегишли тадбирларни белгилаш чораларини кўрсин.

в) туман ИИБ бошлиғи, 3-сектор раҳбарининг ҳисоботи “қониқарли” деб топилсин. Шу билан бирга, қуйидагиларга чуқурроқ эътибор бериб, “Йўл харитаси”ни такомиллаштириш тавсия этилсин:

Шу билан бирга, халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгаши депутатлари томонидан билдирилган фикрларни инобатга олиб, қуйидагиларга устувор аҳамият қаратган ҳолда, “Йўл харитаси”ни қайта кўриб чиқиб, бажарилишини таъминлаш кўрсатиб ўтилсин:

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш ;

- иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, бунда “Ҳар бир оила – тадбиркор” шиорини амалда ташкил этиш, хорижга ишлаш мақсадида кетган фуқароларни қайтариш ва бандлигини таъминлаш чораларини кўриш;

- бюджет қарздорлигини сўндириш, маҳаллий бюджет тушумига кўшимча манбаларни аниқлаш, бунда норасмий фаолият юритаётган тадбиркорларни расмий рўйхатга олиш, шунингдек тадбиркорлик субъектларида ишловчи ходимларни ҳисоботларда тўлиқ кўрсатмаслик ҳолатларига эътибор қаратиш;

- хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларни самарадорлигини ошириш, жумладан туманда бўш турган объектларда инвестиция киритиш ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш;

Қудаш МФЙ ҳудудида мавжуд було қ сувини насос орқали ҳудуддаги фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер майдонларини суғориш учун туман қишлоқ хўжалиги бўлими, сув хўжалиги бўлими билан биргаликда хомийларни жалб қилган ҳолда юргизиш;

- туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари И.Нажмиддинов билан биргаликда Давлатботир МФЙ ҳудудида яшовчи фуқароларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун мавжуд сув кудуғига 2 та сув минораси ўрнатиш ва 600 метр сув қувири олиш;

- Туман ҳокими Қ.Джўраев, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи О.Тусматов, туман давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази раҳбари А.Сулаймонов билан биргаликда марказий шифохонаси қошида суяқ дори тайёрлаш дорихонасини ишга тушуриш ҳамда тегишли рухсатнома олиш чораларини кўрсин.

г) туман ДСИ бошлиғи, 4-сектор раҳбарининг ҳисоботи “қоникарли” деб топилсин. Шу билан бирга, қуйидагиларга чуқурроқ эътибор бериб, “Йўл харитаси”ни такомиллаштириш тавсия этилсин:

Шу билан бирга, халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгаши депутатлари томонидан билдирилган фикрларни инобатга олиб, қуйидагиларга устувор аҳамият қаратган ҳолда, “Йўл харитаси”ни қайта кўриб чиқиб, бажарилишини таъминлаш кўрсатиб ўтилсин:

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш ;

- бюджет қарздорлигини сўндириш, маҳаллий бюджет тушумига кўшимча манбаларни аниқлаш, бунда норасмий фаолият юритаётган тадбиркорларни расмий рўйхатга олиш, шунингдек тадбиркорлик субъектларида ишловчи ходимларни ҳисоботларда тўлиқ кўрсатмаслик ҳолатларига эътибор қаратиш;

- иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, бунда “Ҳар бир оила – тадбиркор” шиорини амалда ташкил этиш, хорижга ишлаш мақсадида кетган фуқароларни қайтариш ва бандлигини таъминлаш чораларини кўриш;

- хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларни самарадорлигини ошириш, жумладан туманда бўш турган объектларда инвестиция киритиш ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш;

- Шўрсув ШФЙ ҳудудида бўш турган собиқ болалар боғчасини тадбиркор Турсунова Муҳаббатхон билан биргаликда 2018 йил сентябр ойига қадар давлат шерикчилик асосида хусусий мактабгача таълим муассасасини қуриб ишга тушуриш;

- туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари И.Нажмиддинов, туман ичимлик суви давлат унитар корхонаси раҳбари М.Мадумаров билан биргаликда Бўстон МФЙ Пахта бўстон ва Жаманжар қишлоқларига қовланган ичимлик суви қудуғи электр таъминоти ҳамда ушбу қишлоқларга ичимлик суви тармоғи тортиш муаммоларини хал қилиш чораларини кўрсин.

3. Тумандаги 4 та сектор раҳбарларининг асосий эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва баёнларида белгиланган чора-тадбирлар ҳамда топшириқларнинг ижросини ўз вақтида ташкил этишда йўл қўйилган жиддий камчиликларга, кўрилаётган чоралар кутилаётган натижаларни бермаётганлигига, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларнинг ижросини таъминлашга қаратилсин.

4. Қуйидагилар:

туманда 5 062 та янги иш ўринларини ташкил этиш прогноз кўрсаткичлари 1-иловага;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 166 465 млрд. сўм қийматидаги инвестиция лойиҳалари 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон туманидаги 4 та сектор раҳбарлари ҳамда туман ҳокимининг инвестициялар бўйича ўринбосари томонидан ҳар ойда 1,0 млн. долл. миқдорида хорижий инвестицияларни жалб қилиш прогноз кўрсаткичлари 3-иловага;

маҳаллий бюджетга қўшимча 25,200 млн. сўм тушумлар прогнози 4-иловага;

бўш турган 16 та давлат мулки объектлари, 15 та илгари хусусийлаштирилган объектлари, 37 та ширкат (жамоа, колхоз) объектлари, 39 та хусусий мулк объектлари, 8 та эгасиз мулк объектлари ва 3 та номаълум мулк объектларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари 5-иловага;

туманда 44 554 та хонадонга тегишли 2 811 гектардан зиёд томорқаларга экин экиш режаси 6-иловага;

туманда чорвачиликни ривожлантириш, шу жумладан фермер хўжаликларидаги насли чорвани кўпайтириш учун четдан 181 бош насли чорва моллари олиб келиш режаси 7-иловага;

туманда 2018 йил мобайнида паррандачилик йўналишидаги 4 та лойиҳаларни амалга ошириш 8-иловага;

туманда 29,8 гектар майдонда 208,6 тонна балиқ етиштириш 9-иловага;

туманда 11 та давлат-хусусий шериклик асосидаги ва тўлиқ хусусий болалар боғчаларини ишга тушириш режаси 10-иловага;

туманда 2 та болалар спорт майдончаларини барпо этиш чоралари 11-иловага;

11,456 млн доллар миқдоридаги саноат ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт прогноз кўрсаткичлари 12-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туман 4 та сектор раҳбарларига:

ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда белгиланган кўрсаткичлар ижросини таъминлаш ва ҳудудларда ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш;

соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа ижтимоий соҳа объектларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган таъсирчан чоратadbирларни амалга ошириш;

уй-жой коммунал ва йўл хўжалиги, электр энергияси ва сув таъминоти ва бошқа соҳалардаги муаммоларни аниқлаш ва ўз вақтида уларни баргараф этиш, арзон уй-жойлар куриш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

тумандаги аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўришда кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш, ажратиладиган банк кредитларини мақсадли сарфланишини назоратга олиш, иссиқлик таъминоти билан мавсумий таъминлаш, ижтимоий соҳа объектларига кўмир ёнилғисини етказилиши ва иссиқлик тизими ҳамда озик-овқат захираларини яратилишини таъминлаш, аҳоли хонадонларига маиший газ баллонлари ва суюлтирилган газ ҳамда электр энергияси ва табиий газ етказиб берилиши бўйича доимий назоратни ўрнатиш;

хар бир секторда ҳафтада бир марта фуқаролар қабулини ва ойда бир марта тадбиркорлар кунини ташкил этиб, уларнинг муаммоларини ечиб бориш тизимини йўлга қўйиш;

имом хатиб ва маҳалла раисларини жалб қилган ҳолда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган диний экстремистик оқимлар аъзолари билан суҳбатлар ўтказиш, уларни ижтимоийлашуви билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин.

6. Туман ҳокими Қ.Джураевга туман ҳокимлиги аппаратига ҳамда ҳоким номенклатурасидаги раҳбар лавозимларига юқори малакали, замонавий билим ва кўникмаларга эга, салоҳиятли, фидоий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, узлуксиз малакасини ошириш, раҳбар лавозимларига танлаш ва тайинлаш, уларни хар томонлама қўллаб-қуватлаш масалаларини танқидий қайта кўриб чиқсин.

7. Туман 4 та сектор раҳбарлари мазкур қарор билан тасдиқланган кўрсаткичларни ойма-ой бажарилишига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлашга;

туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари экспорт ва янги иш ўринларини яратиш, маҳаллий бюджет қўшимча тушумлар бўйича прогноз кўрсаткичларни тўлиқ бажарилишига ва кредит маблағларини ўз вақтида ажратилишига;

туман ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажмини оширишга қаратилган лойиҳаларни ишга туширишга;

туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари аҳоли томорқаларига қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ экилишига, чорвачилик ва балиқчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширилишига шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижроси хар чорак якуни билан халқ депутатлари туман Кенгашида танқидий муҳокама қилиниб, топшириқлар ижросини таъминламаган сектор раҳбарлари, ҳокимларнинг тегишли ўринбосарлари ва масъул ходимларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриб борилсин.

9. Туман сектор раҳбарларига мазкур қарорнинг ижроси ҳақида ҳар ойда вилоят ҳокимлигига ахборот тақдим этиш ҳамда 9 ой ва йил якуни бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида ҳисобот бериш вазифалари топширилсин.

10. Сиёсий партияларнинг туман Кенгаши раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида депутатлик гуруҳлари ва депутатларнинг шахсий иш режаларини қайтадан танқидий руҳда кўриб чиқиш вазифаси юклатилсин.

11. Ўзбекистон тумани сектор раҳбарларининг мазкур қарор ижроси ва жорий йил 6 ойида амалга оширган фаолияти юзасидан ҳисоботлари халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги (15-20 июл) сессиясида эшитилиши белгилаб қўйилсин.

12. “Яйпан овози” газетаси (И.Маҳкамов) га ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари томонидан амалга оширилган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

13. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий нашрида эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

14. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон туман 4 та сектор раҳбарлари ҳамда Кенгаш раисининг ўринбосари Ж.Муродов зиммасига юклатилсин.